ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 5 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00993

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТИДА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Матлюбахон Холдарвоевна Тиллаволдиева
Тошкент давлат педагогика университети доценти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон давлати ўз миллий тараққиёти жараёнида - жамият конунлари ва хукукий нормаларидан, фан-техника, маданият ютуқлари ва умуминсоний ва диний кадриятлардан тўла фойдаланиши , бошка сохалар каби дин ва диний кадриятларни ушбу жараёндаги тутган ўрни масалаларига эътибор каратилади. Шунингдек, бугунги кунда Ўзбекистонда Президент Ш. М. Мирзиёев раҳнамолигида диний кадриятларни тикланишига катта ахамият берилаётганлиги , амалга оширилаётган диний ислохатлар , тарғибот ишлари ва бу борадаги муоммолар фалсафий тахлил этилади.

Калит сўзлар: жамият, дин, маданият , конун, тараққиёт, ғоя, маънавият, сиёсат, ислом, иймон, дунёвий, инсон , фан , техника, давлат , кадрият, ислохат, хукук , норма ва конституция.

ABSTRACT

This article focuses on the full use of the laws and norms of society, the achievements of science, technology, cultural, humanitarian and religious values in the process of national development. Furthermore, nowadays great attention to the restoration of religious values, including the philosophical analysis of ongoing religious reforms and problems are highly paid attention through the leadership of the President of Uzbekistan Sh. M. Mirziyoyev

Keywords: Society, religion, culture, law, development, ideas, spirituality, politics, Islam, faith, secularism, state, constitution.

КИРИШ

Маълумки, давлат ўз миллий тараққиёти жараёнида жамият қонунлари ва хуқуқий нормаларидан, фан-техника, маданият ютуқлари ва умуминсоний ва диний қадриятлардан тўла фойдаланиш масалаларига эътибор каратади .

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Машкилоти Бош Ассамблеясининг 72- сессиясидаги нутқида таъкидлаганидек: Бугунги кунда Ўзбекистон жадал ривожланмоқда, биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб , теранг англаган холда , қатъий ислохатларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йулидан бормоқдамиз. Жамиятимизда сиёсий фаоллик ортиб бормоқда. Барча соҳаларда чуқур ислохатлар амалга оширилмоқда. Улардан кўзланган мақсад —Инсон манфаатлари хамма нарсадан устун деган оддий ва аниқ — равшан тамойилни амалга ошириш устувор ахамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат”.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00993

Президентимиз урғу берганларидек, инсон манфаатлари хамма нарсадан устун деган оддий ва аниқ — равшан тамойилни амалга ошириш устувор ахамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этилар экан ,албатта биз бундай миллий келажак тараққиётига барча илғор мамлакатлар сингари дунёвий давлат қуриш орқали боришимизни унутмаслигимиз даркор.. Дунёвий давлат тараққиётида диний ғоялар мухим ўрин тутади. Диний карашлар хам жамиятдаги бошка ғоявий карашлар, маънавий йўналишлар билан бир қаторда халоллик,тинчлик,осойишталик, фаровонликни таъминлашга хизмат килади.

Шу нуқтаи- назардан олиб караганда ,бугунги кунда Ўзбекистонда Президент Ш. М. Мирзиёев раҳнамолигида диний қадриятларни тикланишига катта ахамият берилаётганлиги ва бу борадаги амалга оширилаётган диний ислохатлар бежиз эмас, албатта.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистон Конституциясига мувофик, барча фукаролар миллатидан, иркидан, диний эътикодидан катъий назар виждон эркинлиги кафолатланган. Чунки, Ўзбекистонда турли миллат ва элатлар истиқомат килиб, динлари хам хилма-хил. Улардан хар бирининг ўзига хос мафкураси, тартиб
қоидалари хаёт тарзи ва дунёқараши, ўзининг фалсафий караши, талаб ва эхтиёжлари мавжуд. Шунга мувофиқ, хар бир инсон ҳохлаган динига эътиқод килиш ёки хеч кайси динга эътикод килмаслиги мумкин. Биз диндан юксак маданият ва маънавият қуроли сифатида фойдаланишга харакат килишимиз зарур. Ундан бузғунчилик, хокимият учун қурол сифатида фойдаланишга йўл қўймаслигимиз лозим.

Диний қадриятларни миллий қадриятлардан ажратиб ўрганиш ёки тахлил килиш қийин. Чунки , миллий қадриятлар диний кадриятлар билан қўшилиб кетиб, мукаммал хакикий инсоний қадриятларга айланган. Ўзбекистон халклари ўзларининг қадимий ва ижобий қадриятларига бой тарихида кўпгина динларга хурмат билан караганлар ва ўз даврларига мансуб илғор ижобий қадриятларни шакллантириш борасида улардан унумли фойдалана билганлар.

Кўп асрлик миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, дунё илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган аждодларимизнинг бебаҳо меросини ўрганиш, унинг асосида ёшларни комил инсон этиб тарбиялаш жамиятда барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда ташкил этилган Ислом цивилизацияси маркази, Ислом академияси, Мир Араб олий мадрасаси, Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, бой илмий-тарихий меросимизни ўрганиш ва тарғиб қилишга хизмат қилаётганлиги фикримиз исботидир. Шу билан бирга, дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ва ижтимоий-сиёсий вазиятнинг таҳлили диний-маърифий соҳадаги фаолият самарадорлигини оширишни ва малакали кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизимини яратишни тақозо этмоқда.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00993

Ижобий қадриятлар юзага келган жараёнда диний кадриятлар, маросимлар, ибодатлар мухим омил бўлиб хизмат килган. Дин, хусусан ислом билан боглик қадриятларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш борасида факатгина ислом ғоялари ва маросимларини ўрганиш билан чекланиб колиш етарли эмас. Айни замонда дин билан боглик кадриятларни ўрганиш динпарстлик билан богланмаслиги керак. Динпарстлик хеч каерда, хеч качон ижобий кадрият хисобланмаган. колаверса, Ўзбекистон халклари тарихида муҳим ахамиятга эга бўлган ва нисбатан узок тарихий даврларда мавжуд бўлган зардуштийлик, буддавийлик, исовийлик динларининг тарихини ўрганмасдан туриб, ислом дини тарихининг ўзини хар томонлама билиш мумкин эмас. Кейинги йилларда зардўштлик, тариқатчилик, суфизм ғоялари билан узвий боғлик бўлган жихатларни ўрганишга ва ундан диний-ахлокий кадриятларимизни қайта тиклаш, шунингдек, улардан миллий тараққиётимиз учун оқилона фойдаланишга катта эътибор бермокдалар .

Ўзбекистон миллий тараққиётида диний қадриятларни моҳият масаласи таҳлил эътилар экан, қадрият ўз табиатига кўра, ижтимоий-тарихий хусусиятга эга бўлиб, миллат тараққиёти жараёнида ўзгариши ва такомиллашишини таькидлаш лозим.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ҳозирги илғор давлатлар ҳаётининг демократик тамойиллари ҳам қадрини нечоғли юксакликка кўтариши билан баҳоланади. Мамлакатимиздаги туб ўзгаришлар, ислоҳотларнинг моҳияти ана шу тамойилдан келиб чиқади. Уни амалга оширишда миллий ва диний қадриятлар уйғунлигига асосланган янгича дунёқараш, соғлом тафаккурни шаклланиши катта аҳамият касб этади. Хусусан, демократия моҳиятан инсоннинг ҳар томонлама камол топиши учун берилган имконият, шахс билан жамият манфаатларидаги уйғунликни таъминловчи омилдир. Хар кандай омиллар миллат тараққиётига қўшаётган ҳиссаси билан ўлчанади Шу жихатдан олиб караганда, диний кадриятларимиз хам ўз ижобий самараси билан ўлчанади.

Таъкидлаш жоизки, миллий ва диний қадриятларни қарама-қарши қўйиш-миллий ҳудбинликка, миллатлараро низоларга олиб келиши натижасида бутун башарият ривожига тўсиқ бўлиши муқаррар. Мустақил республикамизда миллий ва диний қадриятлар муштараклигига, халқимизнинг жаҳон ҳамжамияти билан бирга ривожланиш йўлидан бораётганлигига алоҳида аҳамият берилаётганлиги сабаби ҳам шундандир. Халқимизга азал-азалдан хос бўлган маърифатпарварлик, бағрикенглик, меҳр-мурувват, бунёдкорлик каби эзгу фазилатлар ва диний кадриятларимизни кенг тарғиб қилиш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда диний-маърифий соҳа вакилларининг ўрни ва иштирокини ошириш ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясига мувофиқ: қуйидагилар: диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгиланди:

-"жаҳолатга қарши маърифат" улуғвор ғоя асосида диннинг асл инсонпарварлик моҳиятини, эзгулик, тинчлик ва инсонийлик каби фазилатлар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00993

азалийқадриятларимиз ифодаси эканлигини кенг ёритиш ва бу соҳадаги илмий-маърифий фаолиятни жадал ташкил этиш;

-ислом ва жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган аждодларимизнинг бой маданий меросини чуқур ўрганиш асосида ёшларнинг онгу -тафаккурини шакллантириш; инни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиган бузғунчи ёт ғояларнинг асл моҳияти ва мақсадлари ҳақида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг хабардорлик даражасини ошириш;

-жамиятда миллий ва диний қадриятларимизга ёт бўлган ғояларга нисбатан тоқатсизлик муҳитини шакллантириш;

-жамиятда бағрикенглик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, тинчлик ва тотувликни, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда диний-маърифий соҳа вакилларининг дахлдорлик ҳисси ва иштирокини янада ошириш;

-диний-маърифий ташкилотларнинг моддий-техника таъминотини мустаҳкамлаш, соҳа вакиллари меҳнатини муносиб рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш;

-глобаллашув шароитида жамиятимиздаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва эътиқод эркинлигига таҳдид туғдириши мумкин бўлган омилларни барвақт аниқлаш ва олдини олишга қаратилган ахборот-таҳлилий фаолиятни кучайтириш;

-диний ва дунёвий билимлар уйғунлигини ривожлантириш асосида таълим сифатини ошириш, диний-маърифий соҳада малакали кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг яхлит тизимини яратишдан иборатдир.

Маьлумки , Давлат ва диний ташкилотлар ўртасидаги муносабат масаласига 61 - моддада аниқлик киритилганидек: Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган хамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларининг фаолиятига аралашмайди.

Масаланинг иккинчи томони хам бор "Конституцион тузумни зурлик билан ўзгартиришни максад килиб кўювчи, республиканинг суверенитети яхлитлиги, фуқороларнинг контитуцион хукук ва эркинликларига карши чикувчи, урушни, ижтимоий, миллий, иркий, ва диний адоватни таргиб килувчи, халкнинг соглиги ва маънавиятига тажоввуз килувчи, шунингдек харбийлаштирилган бирлашмалар тузиш ва фаолият юргазиш таъкикланади".(31-модда)

Ҳар кандай дин сингари ислом дини хам - бу эътикод, иймон, ички сиёсат эмас. Динни сиёсатга аралаштириш ислом таълимотига, мохиятига тугри келмайди. Зеро, Давлатнинг дин билан муносабатлари тамойилларини куйидагича белгилаш мумкин:

- диндорларнинг диний туйгусини хурмат килиш;
- диний эътикодларни фуқороларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;
- диний карашларга амал килувчи фукороларнинг хам хукукларини тенг кафолотлаш,хамда уларни таъкиб килишга йул куймаслик;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00993

- маънавий тикланиш, умуминсоний ахлокий кадриятларни карор топтириш ишида диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдалиниш учун улар билан мулокот килиш йулларини излаш зарурияти;
- диндан бузгунчилик максадида фойдаланишга йул қўйиб бўлмаслиги эътироф этилган.

ХУЛОСА

1. Президентимиз Ш.Мирзиеевнинг динлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, диний қадриятлардан ижобий мақсадда фойдаланиш борасидаги саъй —харакатларини қўллаб —қувватлаш;

2. Жамоат ва диний ташкилотлар ходимларининг республикада конфессияларо ҳамкорлик ва бағрикенглик тарғиботи бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг тарғиб этиш учун хорижий сафарларини ташкил этиш.

3. Ўзбекистоннинг дипломатик ваколатхоналарига мамлакатимизда экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш, динлараро тотувлик ва бағр-икенгликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги материалларни, жумладан , аудиовизуал материалларни ОАВларида ёритиш учун тақдим этиб бориш.

4. Давлат, жамоат ва диний ташкилотлар веб-сайтлари, ижтимоий тармоқларда виждон эркинлигини таъминлаш, бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш борасида қилинаётган ижобий ишларни кенг тарғиб этиш.

5. Жамоат ва диний ташкилотлар ходимларининг республикада конфессияларо ҳамкорлик ва бағрикенглик тарғиботи бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг тарғиб этиш учун хорижий сафарларини ташкил этиш.

6. Ўзбекистоннинг дипломатик ваколатхоналарига мамлакатимизда экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш бағрикенгликни таъминлаш борасидаги тажрибани халқаро, динлараро тотувлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги материалларни, жумладан аудиовизуал материалларни хорижий ОАВларида ёритиш учун тақдим этиб бориш.

7. Давлат, жамоат ва диний ташкилотлар веб-сайтлари, ижтимоий тармоқларда виждон эркинлигини таъминлаш, бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш борасида қилинаётган ижобий ишларни кенг тарғиб этиш.

8. Хорижий ОАВда Ўзбекистоннинг тарихи, маданияти, урф-одатлари, шунингдек, виждон эркинлигини таъминлаш борасида қилинган ишлар ҳақидаги кўрсатув ва роликлар намойишини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиеевнинг Бирлашган Миллатлар Машкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи.
2. Фалсафа ва хукук . Ижтимоий- сиёсий , маънавий- маърифий , фалсафий — хукукий журнал. Т. 2017 .
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. Ўзбекистон. 2014..
4. Ўша асар.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00993

5. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги фармони. Т. 2017 —йил.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. .16.04.2018 й. Пф- 54 диний — маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида.
7.Ўзму хабарлари . Т. 2017. 3-сон.